Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◉ № 19 (7. 408) ◉ 1991 йил 29 январь, сешанба ◉ Нархи 8 тийин.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари—ҳаётга!

НУФУЗНИ ОШИРИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ

◉ Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезднинг иккита босқичи ҳам жумҳуриятимизнинг барча коммунистлари учун, айниқса, шу анжуманда иштирок этган барча делегатлар учун ҳам тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Компартиясининг мустақиллиги масаласи ҳамда Тошкент шаҳар партия ташкилотига вилоят партия ташкилоти ҳуқуқининг берилиши каби масалалар кўпчилик делегатлар қатори ишчилар синфининг илғор вакили, шаҳримиздаги саноат қурилиши индустрияси бирлашмасига қарашли I-темир-бетон буюмлари корхонаси бошланғич партия ташкилоти котиби Раҳматулла Боқиевни ҳам жуда тўлқинлантирди. У билан суҳбатимиз шу куннинг асосий муаммоси — корхонага мустақиллик бериш зарурлиги ҳақида бўлди.

— Раҳматулла ака, сиз иштирок этган партия анжуманида ҳам ишлаб чиқариш корхоналарига мустақиллик бериш зарурлиги тўғрисида сўз юритилганмиди?

— Шубҳасиз. Ўзбекистон Компартияси XXII съезднинг биринчи босқичида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов айнан шу ҳақда гапириб, ишчиларнинг ўзи бугунги кунда корхонанинг ҳақиқий «хўжайини» бўлиши даркорлигини таъкидлаган ва бу билан уларни янгича ишлашга ҳам сафарбар этганди. Шунингдек, съезднинг иккинчи босқичида қабул қилинган партиянинг муҳим ҳужжати — Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурида ҳам худди шу фикрлар ўз аксини топган. Ўзни дастурнинг **«Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўллари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қондалари тўғрисида» бўлимидаги «... Жумҳурият ҳудудида яшовчи одамларнинг манфаатлари йўлида унинг табиий бойликларидан, вужудга келтирилган имкониятлардан ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдаланишда тўла мустақилликни таъминлаш ўртага қўйилган мақсадга эришишнинг муҳим шарти бўлмоғи лозим»** — деган жумлалар бунга яққол исботдир.

— Ўз корхонангиз мисолида бу мустақилликка эришилганми?

— Корхонамиз саноат қурилиши индустрияси бирлашмасига қарашли корхона ҳисобланади. Ҳозирда 540 киши корхонада хўжалик ҳисоби асосида иш юритмоқда. Бундан олти ой муқаддам корхонада бу усул — муваффақиятлар гарови эди. Режа ва топшириқлар ортиғи билан адо этиларди. Ҳозирга келиб эса шароит бутунлай ўзгарди. Очиғи, биз бирлашмага боқиманда корхонага айланиб қолдик. Корхонадаги ноишлаб чиқарувчи кучларнинг кўплиги ҳам маҳсулот таннархининг ортиб бораётганига сабаб бўлса керак, деб ўйлайман. Бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида бу нарса кўзга яна ҳам яққолроқ ташланмоқда.

Янги йил бошидан буён жамоа билан биргаликда корхонанинг 87 коммунисти имкони борича маҳсулот таннархини камайтириш, сифатини ошириш ҳамда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг учун ишлаб чиқаришдаги мавжуд чиқиндиларни қайта ишлаш ҳисобига қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имкони яратилмоқда. Келгусида эса шу чиқиндиларни қайта ишлайдиган махсус цех ҳам очилади. Корхонани бугунги тангликдан олиб чиқиш учун имкониятларимиз етарли, бироқ маълум жиҳатдан бирлашмага қарам бўлиб қолганмиз. Шунингдек, хом ашё масаласи ҳам мустақил корхона сифатида ишлаш имконимизни бироз чекламоқда. Ваҳоланки, корхона тўла мустақилликка эришса, ижара пудрати усулида ҳам бемалол ишлай олишимиз мумкин. Бу деган сўз, Иттифоқдаги мавжуд хом ашё етказиб берувчи корхоналар билан шартнома тузиб, бозор иқтисодиёти шароитида ҳам ишни йўлга қўйишимиз мумкин.

— Корхона партия ташкилоти етакчиси сифатида инсон омилига эътибор масаласига қандай қарайсиз?

— Юқорида айтганимдек, съездда ҳам худди ана шу масала ҳақида кўп гапирилди, инсон омилига эътибор масаласи бугун энг биринчи навбатдаги масала эканлиги таъкидланди. Бинобарин, эндиликда корхонамизда ҳам бу масалага диққат-эътиборни қаратмоқдамиз. Ишчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Айни кунларда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги сезилиб тургани ҳеч кимга сир эмас. Янги йилдан бошлаб корхонамиз ишчилари учун камёб маҳсулотлар савдоси ташкил этилмоқда. Лекин, бу қилинаётган ишлар ҳали жуда оз. Ишчининг корхонадаги узоқ вақт тик оёқда юриб қилаётган унумли меҳнати муносиб рағбатлантирилиши шарт. Мана шу масалага ҳам эътиборни қаратишимиз лозим. Шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқаришини кўнгилдагидек ташкил этиш масаласини ҳам ўйлаяпмиз. Бу ишларнинг ҳаммаси маъмурият билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Шу йўл билан биз партиянинг обрў-эътиборини тиклашга, унинг сафларини мустаҳкамлашга эришишимиз мумкин бўлади. Бугунги кунда партия нуфузини оширишнинг ягона йўли — халқ кўнглига йўл топиш, унинг дардига ҳамдард, ташвишу қувончига шерик бўлишдан иборат деб ўйлайман.

Суҳбатдош З. ДУСМУҲАМЕДОВА.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР

УСПЕНСКИЙ НОМИДАГИ ЖУМҲУРИЯТ ЁШ МУСИҚАЧИЛАР МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ ҲУЗУРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КАМЕР ОРКЕСТРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БЕРГАН КОНЦЕРТЛАРИ МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНГАН ЭДИ.

Эндиликда ёш чолғучилар гуруҳи ўз ижрочилик маҳоратини Иттифоқ миқёсида намойиш этиш имкониятига эга бўлдилар.

Оркестрнинг Новосибирскдаги чиқишлари ҳам мусиқа шинавандаларини хушнуд этди. Гап шундаки, мазкур шаҳарда яқинда симфоник ва камер оркестрларининг Бутуниттифоқ кўрик-танлови бўлиб ўтган эди. Бу ижодий синовга мактаб-интернат ёш истеъдодлари ҳам қатнашиб, ижрочилик маҳоратларини намойиш қилдилар ҳамда совринли ўринлардан бирита эришдилар.

Кўрикда таниқли ўзбек бастакори Т. Қурбоновнинг торли ва уриб чалинадиган асбоблар учун ёзган мусиқаси ҳам баралла янгради.

С. ОДИЛОВА.

Созловчи Нурилла Абдуллаев ўн йилдан бери шаҳримиздаги чарм ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб келади. У цехдаги барча тикув машиналарининг бенуқсон ишлашини назорат қилиб туради.

Х. Мирзакаримов суратн.

ЮБИЛЕЙ АРАФАСИДА

Алишер Навоий 550 йил

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига қандай тайёргарлик кўрилаётгани Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий ривожлантириш фан ва маданият комплексида ўтказилган учрашув кун тартибига киритилди.

Унда иштирок этиш учун Украинадан, Белоруссиядан, Озарбайжондан, Қирғизистондан, Татаристондан, Якутиядан, Тожикистондан, мамлакатимизнинг бошқа республикаларидан, шунингдек, Алишер Навоий асарларининг юбилей нашрларини тайёрлашда қатнашаётган Хитой Халқ Республикасидан таржимонлар—шоир ва ёзувчилар таклиф этилган. Тарихий санага атаб Алишер Навоийнинг кўпгина китобларини ва асарларини, шоир ижоди ва ҳаётини тадқиқ этишга бағишланган илмий ва оммабоп адабиётларни нашр қилиш мўлжалланган. Булар орасида СССР халқларининг 15 тилида бериладиган «Абадият гулзори» тўплами, ўзбек, рус, инглиз, немис, араб тилларидаги бошқа сайланма асарлар бор. Алишер Навоий китоблари Москвада ва чет элларда нашр қилинади.

Шоир таваллуд топган куни Тошкентда Шоирлар хиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилади, илмий конференция ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоалари, фольклор ансамбллари, санъат усталари иштирокида концерт ўтказилади.

Асосий юбилей тантаналари сентябрь ойида ўтади. Тантаналар Навоийнинг ёшлик йиллари ўтган Самарқандда бошланиб, Тошкентда давом эттирилади ва Москвада якунланади. Учрашув қатнашчилари бу байрам ўзбек халқи буюк ўғлони шеъриятининг, унинг маънавий меросининг улуғворлигини янада ёрқинроқ очиб бериши лозимлигини таъкидладилар. Алишер Навоий шарафига бағишланган юбилей тадбирлари Киевда, Душанбеда, Ленинградда, Олмаотада ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказилади.

(ЎзТАГ).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

ИҚТИСОДИЙ БУЗҒУНЧИЛИККА ВА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ БОШҚА ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий бузғунчиликка, иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши курашни таъминлаш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмол моллари билан таъминлашни тартибга солиш мақсадида, СССР Конституциясининг 127(5) моддасига ва «Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий турмушини барқарорлаштиришга доир қўшимча чоралар тўғрисида»ги СССР Қонунининг 1-моддасига асосан совет милицияси, ССЖИ Давлат хавфсизлиги идоралари ҳамда оператив-қидирув фаолияти тўғрисида қонунлар қабул қилингунга қадар **қарор қиламан:**

I. Белгилаб қўйилсин-ки, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги идоралари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноий суд юритиш асосларининг 29-моддасига мувофиқ иқтисодиёт соҳасида жиноят белгиларини ҳамда уларни содир этган шахсларни аниқлашга доир оператив-қидирув тадбирларини амалга ошириш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

1. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг (хорижий дипломатия ваколатхоналаридан ташқари) биноларига, фуқаролар якка тартибдаги ва бошқа меҳнат фаолияти билан ҳамда тадбиркорликнинг бошқа турлари билан шуғулланиш учун фойдаланаётган ишлаб чиқариш биноларига ҳеч қандай тўсқинликсиз кириб, мулк эгаси ёки унинг вакили ёҳуд у ваколат берган шахс билан биргаликда ишлаб чиқариш, омбор, савдо ва ёрдамчи биноларни, транспорт воситаларини, мол-мулк сақланадиган ва ундан фойдаланадиган бошқа жойларни кўздан кечириш. Мулк эгаси ёки унинг вакили текшириш ўтказишда, намуналарни олишда иштирок этишдан бош тортган тақдирда бу ишлар уларнинг иштирокисиз, жамоат ташкилотларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг вакилларини жалб этиб амалга оширилиши мумкин.

2. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар қайси идорага бўйсунишидан, мулкчиликнинг қандай шаклига асосланганидан қатъи назар уларнинг, шу жумладан совет ва хорижий ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари иштирокидаги қўшма корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг раҳбарларидан, мансабдор шахсларидан ва бошқа ходимларидан, шунингдек якка тартибдаги ва ўзга меҳнат фаолияти билан ҳамда тадбиркорликнинг бошқа турлари билан шуғулланувчи шахсларни қонун бузилишига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида расмий равишда огоҳлантириш ва бу ҳақда прокурорга хабар бериш.

7. Ўтказилаётган тадбирларда қатнашиш учун қонунда белгилаб қўйилган тартибда мутахассисларни таклиф этиш.

8. Текшириш ўтказаётган шахс текшириш, намуналарни олиш, муҳрлаш тўғрисида акт тузади, актнинг бир нусхасини тилхат билан мулк эгасига ёки унинг вакилига топширади.

II. Ички ишлар ва давлат хавфсизлиги идораларининг ходимлари бу тадбирларни амалга ошириш чоғида олинган маълумотларни ошкор этишни истисно қиладиган қоидаларга риоя этишини таъминлашга мажбурдирлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 26 январь.

Нон—бебаҳо бойлигимиз

УШОҒИ ҲАМ ҚАДРЛИ

ЯҚИНДА Эски шаҳардаги ошхоналардан бирига тановул қилгани киргандим. Очиғи бу ердаги аҳволни кўриб иштаҳам ҳам хиппа бўғилди. Нега дейсизми? Столларнинг устида ётган нонларни кўриб жуда ҳам хафа бўлиб кетдим. Бу нима деган гап ахир? Нега биз ризқ-рўзимиз бўлган нонни бундай исроф бўлишига йўл қўймоқдамиз. Ана шу саволлар ҳеч менга тинчлик бермас эди.

Дарҳақиқат, бизнинг шаҳримизда нон сероб. Тошкентни нон шаҳри дейишларида ҳам катта маъно бор. Лекин бу нонни исроф қилиш деган маънони англатмайди-ку! Шундай экан, шу оддий ҳақиқатга нега биз ҳар доим ҳам амал қилавермаймиз. Айниқса, жамоатчилик ошхоналарида тўп-тўп ушатилган нонларнинг овқат чиқиндиларига қўшиб, пақирларга тўкилаётганига нима дейсиз?! «Бу нонларни нима қиласиз?» деб сўрасангиз хизматчилар ҳеч уялмасдан, тортинмасдан «Молларга берамиз» деган жавобни лоқайдларча беришади. Ана шундай пайтда тепа сочинг тикка бўлиб кетади. Ахир бу неъматни етиштириш учун озмунча меҳнат сарфланганми? Нега биз шуни билатуриб ўзимизни билмасликка соламиз.

Ўтмишда бизнинг ота-боболаримиз нони эмас, балки унинг ҳар бир ушоғини ҳам жуда қадрлаганлар. Нега эндиликда биз нонни қадрламай қўйдик, унинг исроф қилинишига йўл қўймоқдамиз.

Тўғри, дастурхонимиз ажойиб нонларимизга тўла. Бу нонни исроф қилаверинг дегани эмас-ку, ахир! Шундай экан, келинг эзиз дўстлар, нонни эъзозлайлик. Нонни эъзозлаган асло кам бўлмайди. Буни ҳар биримиз ёддан чиқармайлик.

Фахриддин НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССЖ халқ маорифи аълочиси, кекса муаллим.

БУЮК НЕЪМАТ

НОН — ризқу рўзимиз, энг тотли неъматимиз. Она шаҳримиз Тошкент — нон шаҳри деб аталиши ҳам бежиз эмас. Чунки, Улуғ Ватан уруши йилларидаги озиқ-овқат танқис бўлган пайтда бир бурда нонга зор бўлганлар унинг увоғини ҳам авайлаб кўзларига суртишган.

Нонинг увоғи ҳам нон, дейишади кексаларимиз. Ҳикоя қилишларича, қадим замонларда от устида нон еб кетаётган йўловчи нонинг увоғи ерга тушганини кўриб, от устидан тушади ва увоқни қидира бошлайди. Тополмагач, ўша жойни тахмин қилиб, тош билан атрофини ўраб қўяди ва йўлида давом этади. Бунинг маъноси, нон увоғи тушган жой бошқа йўловчилар оёғи билан босилмасин, хорланмасин дегани экан...

Бу ҳикоят ҳозирги кунда буюк неъматимиз бўлган, дастурхонимизга файзу кўрк бағишлаётган нонни исроф қилаётганлар учун ибрат бўлса ажаб эмас.

Ўзбек халқининг қадим-қадимдан меҳмондўст халқ эканлиги маълум. Бинобарин, халқимиз нонни ҳамиша эъзозлаб, ҳурматлаб келган. Ҳеч битта неъмат ўрнини боса олмайдиган нонни ҳар нарсадан аъло кўрган.

Ҳамма ерда нонинг қадрига етишимиз, уни доим эъзозлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз бўлмоғи керак!

Собир ВАЛИЕВ,
савдо ходими.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида

26 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов раислигида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди.

Шу йил 17 март куни тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси тарзида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисида референдум ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. СССР Олий Кенгашининг ушбу масалага доир қарорини қўллаб-қувватлашга аҳд қилинди. СССР референдумини ўтказиш республика Марказий комиссияси ваколатларини Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Референдумга тайёргарлик кўриш юзасидан ташкилий тадбирларни ўтказиш календарь режаси тасдиқланди. Ўзбекистон ССР тегишли министрликлари ва идораларига, халқ депутатлари Советларига, уларнинг ижро этувчи ва идора қилувчи органларига зарур топшириқлар берилди.

«Ўзбекистон ССРда фуқароларнинг жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳар томонлама муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасини асосан маъқуллаш ва уни тегишли комитетларда зарур даражада пухта ишлаб чиқилгандан сўнг Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этишга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетларининг 1991 йилда янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишлари режаси муҳокама қилинди. Халқ хўжалигини бозор иқтисодиёти изига солиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш даврида ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатларини биринчи навбатда тайёрлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов билан Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қатнашдилар.

СССР РЕФЕРЕНДУМИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИЙ КОМИССИЯСИДА

Шу йил 26 январда Тошкентда СССР референдуми республика марказий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси Қ. А. Аҳмедов олиб борди.

Мажлисда ССР Иттифоқи Олий Кенгашининг қарорига мувофиқ 1991 йил 17 мартда ССР Иттифоқи бутун ҳудудида референдум ўтказилиши таъқидланди. Шу куни СССР фуқаролари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси сифатида сақлаб қолиш тўғрисидаги масала юзасидан ўз фикрларини билдиришлари керак. Республика Марказий комиссиясининг мажлисида сўзга чиққан аъзолари ўтказиладиган СССР референдуми давлатимизнинг бундан буёнги тақдири учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканини, овоз бериш чоғида халқимиз манфаатларига жавоб берадиган объектив, пухта ўйланган қарор қабул қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини таъкидладилар.

Ўзбекистон ССРда референдум, ўтказиладиган 226 округ тузилди. Бу округлар қишлоқ районларининг, Тошкент шаҳри районларининг, вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг чегараларида жойлашади, деб белгилаб қўйилди. Референдум ўтказиладиган округларнинг рўйхати эълон қилинади.

«Умумхалқ овоз бериши (СССР референдуми) тўғрисида»ги СССР Қонунининг матнини алоҳида китобча ҳолида нашр этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

ТО Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

◉ Урта Осиё темир йўли ҳузурида «Союзвнештранс» Бутуниттифоқ ташқи савдо бирлашмасининг ваколатхонаси очилди.

◉ Термизда чиқарила бошланган янги нашр «Халқ минбари» — «Народная трибуна» деб номланди. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши бир ойда бир марта чиқадиган бу рўзноманинг муассиси бўлди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

◉ Душанбеда Тожикистон касаба уюшмаларининг XV съезди бўлиб ўтди.

◉ ССЖИ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида биринчи «Инноватор — 91» халқаро кўргазма-ярмаркаси очилди.

◉ Свердловксда халқ депутатлари Кенгаши Урал минтақа уюшмасининг таъсис анжумани бўлиб ўтди.

◉ Омск олий милиция мактабининг бир гуруҳ олимлари милиция офицери шани кодексини яратишга қарор қилдилар.

◉ Москванинг «Торпедо» футбол клубига ўз ўйингоҳида УЕФА Кубоги мусобақасида «Монако» командаси билан бўлган ўйин вақтида «матбуот иши учун қониқарсиз шароитни уюштиргани учун» беш минг Швейцария франки (3900 доллар) миқдорида жарима солинди.

ХОРИЖДА

◉ Америка Қўшма Штатлари Форс кўрфази районига қўшимча кучларни ташлашни давом эттирмоқда. АҚШ мудофаа вазири Ричард Чейни Эн-би-си телекомпаниясига берган суҳбатида ана шулар ҳақида хабар берди.

◉ «Сақродаги бўрон» операциясининг ушбу молия йилидаги қиймати қариб 40—50 миллиард долларни ташкил этади.

◉ Никарагуа Президенти Виолета Чаморро февраль ойида Совет Иттифоқига мўлжаллаган расмий сафарини кечиктирди.

◉ 28 январь куни Пекинга Хитой Компартияси Марказий Комитетининг таклифига биноан Мўғулистон халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг Раиси Г. Очирбат дўстона сафар билан ташриф буюрди.

Бугунги кун нафаси ТО

Дид ва маҳорат билан тикилган кийим-кечак ва буюмлар ҳамманинг эътиборини ўзига тортади. Агар диққат қилсангиз уларда чеварлик санъати намойиш этилганлигини сезасиз. Чиндан ҳам моҳир чеварлар томонидан тайёрланаётган буюмларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг йил сайин ошаётганлигини ҳам юқоридаги қиёс билан ифодалаш мумкин.

Шаҳримизда ўз касбининг усталари бўлган чеварлар жуда кўп. Улар турли корхоналарда ишлаб халқимизни бежирим кийинишига ўз ҳиссаларини қўшиб келишаяпти. Жумладан, Тошкентдаги чарм ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида бундай маҳоратли тикувчиларни кўплаб учратасиз. Улардан бири Марғуба Худойберганова-дир. Бу пешқадам тикувчи саккиз йилдан бери ана шу корхонада самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Ўнгдаги суратда бирлашманинг 3-цехи тикувчиси Фарида Маҳкамова тасвирланган.

Х. Мирзакаримов суратлари.

Жумҳурият янгиликлари

ЧИҚИНДИЛАР ИШГА СОЛИНДИ

Марғилон ёғоч ишлов бериш заводида чиқиндилардан мумкин қадар самаралироқ фойдаланилаяпти. Бу ерда дала вагончалари, дераза ромлари, эшиклар, пол учун тахталар, посилка жўнатадиган қутилар, болалар аравачалари тайёрлана бошланди, қипиқдан ёғоч-пайраха тахталар ишлаб чиқарилаяпти.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот шаҳардаги хўжалик моллари дўконларига юборилмоқда. Бундай маҳсулотларга харидорларнинг талаби кучли. Бу йил корхона 12 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаради. Шартномага кўра, Иркутскдан ва Брянскдан қўшимча хом ашё келади.

НАРХ-НАВО БАЛАНД, ТАЛАБ ЭСА КУЧЛИРОҚ

Олот шаҳри универсал дўконида тижорат бўлими очилди. Бу ерда нархлар одатдагидан икки-уч баравар юқорилигига қарамай, камёб моллари одамлар тез ва бажонидил харид қилишяпти. Савдонинг дастлабки кунидаёқ бир неча ўн минг сўмлик турли буюмлар сотилди.

Бу ишнинг даромад келтиришига шубҳа қолмади. Вилоятнинг амалда барча районларида шундай бўлимлар ва дўконлар очилди.

МУТАХАССИСЛАР УЧУН АМАЛИЙ ЎЙИНЛАР

Эстониядаги бошқарув ходимларини баҳолаш ва танлаш билан шуғулланадиган «Охт» марказининг мутахассислари Термизда қисқа муддат ичида менежмент асосларини ўргатиш курсларини ташкил қилдилар. Вилоят корхоналари ва ташкилотларининг вакиллари бу курсларнинг дастлабки тингловчилари бўлишди. Улар амалий ўйинларни махсус машқларни ўз ичига олган тиғиз режа асосида ўқийдилар. Курсларда бошқарувнинг илғор усуллари билан танишадилар. «Бизнинг дастуримиз бир ҳафта ичида турли ишлаб чиқариш жараёларини бошқаришнинг реал қўникмаларини эгаллаш имконини беради», — деди марказ директори Г. Блинчук.

ҲАМ МОЛ, ҲАМ ИШ...

Янгиер саноат комбинатида шлакли блоклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Якка тартибда уй қураётганлар орасида бу маҳсулотга талаб катта.

Комбинат ярим йил муқаддам ташкил этилган. Шу вақт ичида унинг жамоаси ярим миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу ерда жуда хилма-хил маҳсулот — кўрпалар, тўшаклар, тикувчилик маҳсулотлари, шарқ қандолатлари, мармелад тайёрланмоқда. Шунингдек тери ва мўйнага қайта ишлов берилаяпти. Комбинат мутахассислари уй-жой қуриш ва уни ремонт қилишда ёрдам беришга тайёр.

Комбинатнинг фойдаланишга топширилиши юздан зиёд одамни ишга жойлаштириш имконини берди. Уларнинг кўпчилиги янги касб эгаллаш имконига эга бўлди.

Аҳолини ишга жойлаштириш муаммоси шаҳар маъмурларининг диққат марказида турибди.

ВЕНГРИЯ ДОРИШУНОСЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Венгриядаги «Медимпэкс» ташқи савдо корхонасининг бешта янги препарати Самарқанд кардиология марказида клиник синовдан ўтказилди. Энди бу дорилар жумҳурият шифокорлари беморларга тавсия қилишлари мумкин бўлади.

Кардиология марказининг мутахассислари машҳур фармацевтика фирмасининг шериклигига ойланишганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Янги дорилар бир йил давомида синалди. Марказ шифокорлари янги дориларнинг турли юрак хасталикларига қандай таъсир ўтказишини, қандай кутилмаган натижалар олинишн мумкинлигини ўргандилар. Мана ниҳоят ишга якун ясалди.

Самарқандлик шифокорлар фирманинг янги препаратларини даволаш амалиётига кенг жорий этишга тайёрлар. Венгриялик фармацевтларнинг Ўзбекистон кардиологлари билан ҳамкорлиги давом эттирилади.

[ЎзТАГ мухбири].

Инсон омилига эътибор

ЮТУҚЛАР БОИСИ

ОХУНБОБОЕВ номидаги Тошкент бош кийимлар фабрикаси ишчи ва хизматчилари ўтган йилги режаларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича ошириб бажардилар. Лекин бунга осонликча эришилмади. Чунки, корхона маҳсулотини ишлаб чиқариш учун керак бўлган хом ашёнинг 30 фоизи етказиб берилмади. Шу йил январь ойидан бошлаб эса шартнома асосида Россиядан ва жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан хом ашё олина бошланди. Айни кунларда корхонада иш юришиб кетди. Ҳозир қиш мавсуми бўлганлиги учун мўйна ва жундан эркаклар телпаги, болалар учун турли бош кийимлар тикилмоқда. Фақат январь ойининг ўзида фабрика чеварлари 4 та янги моделдаги бош кийимларни ўзлаштирдилар.

Фабриканинг тажриба цехида сунъий мўйнадан аёлларнинг замонавий бош кийимлари тикилиб, улар шартнома бўйича Марказий универсал магазинига етказиб берилмоқда.

— Бу янги тадбирга корхона катта умид боғламоқда, — дейди фабрика касаба уюшмасининг раиси Зумрад Орипова. Мақсад шу йўл билан ишчиларимизнинг маошини ошириш, уларнинг иҳтимоий турмушини яхшилашдир. Чунки, фабрика жамоасининг 95 фоизини аёллар ташкил этишини ҳисобга олсак, корхонада бу масалага эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Фабрика қошида ишчилар учун тиббий ёрдам пункти, ошхона ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ишлаб турибди. Аёллар ишдан кейин бозорга югуриб юрмасликлари учун корхона ёнида мева-сабзавот дўкони мавжуд. Ҳар бир цехда дам олиш хонаси ташкил этилган. Бу ерда ишчилар тушликдан кейин маданий ҳордиқ чиқаришади.

Ўтган йилда маданий-оммавий ишларни амалга ошириш ниятида корхона касаба уюшмаси томонидан 5300 сўм ажратилган эди. Шу маблағ ҳисобидан кўп ишчилар оммавий равишда Фарғонанинг Ҳамзаобод ва бошқа жойларда саёҳатда бўлиб қайтишди. Кўпгина ишчи ва хизматчиларимиз эса ўтган йилда оила аъзолари билан касаба уюшмаси йўлланмаси орқали Чортоқ, Чимён, Янгиобод, Сўқоқ ва дам олиш уйларида кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариб келдилар.

Жамоада шароити оғир аёлларга жуда катта эътибор берилаяпти. Ҳар куни ишга қатнай олмайдиган, бунга оилавий аҳволи тўғри келмайдиган аёллар учун корхонада махсус цех очилган бўлиб, улар бу ердан уйларига иш олиб кетишлари мумкин. Бу аёллар уйда асосан болалар бош кийимлари ва чойшаблар тикишади.

Фарзандлари ёш аёллар иш соатини қисқартириш масаласи бўйича ҳам фабрикада анча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир 6 ёшгача боласи бўлган аёлларнинг иш соати 1 соат қисқартирилди. Бунга биз алоҳида битта бригада ажратганмиз. Уларнинг ҳаммаси одатдагидан бир соат кам меҳнат қилишади.

Кўриниб турибдики, Охунбобоев номидаги Тошкент бош кийимлар фабрикасида инсон омилига катта эътибор берилмоқда. Буни биз юқоридаги мисоллардан ҳам кўрсак бўлади. Бу йил ҳам корхонада бу борада анча ишлар қилиниши кўзда тутилган.

Г. ХУДОЙҚУЛОВА,
ТошДД талабаси.

Меҳнатинг—зийнатинг

МАНЗИЛНИ ЯҚИН ҚИЛИБ

2-ТРОЛЛЕЙБУС депоси шаҳримиздаги йирик электр транспорти корхоналаридан биридир. Деподан 125 та троллейбус тонг саҳардан йўловчилар хизматига чиқади. Улар ҳар куни 200 мингга яқин йўловчини бехатар манзилга етказади, десак хато қилмаган бўламиз.

Бу маданий хизмат замирида корхона машиналарини созловчи цехнинг 1-ва 2-техника кўриги қўли гул усталарнинг ҳам беқиёс хизмати ётади. Бу борада айниқса турли миллат вакилларидан иборат жамоанинг етакчи электр слесари Алимжон Ҳакимовнинг меҳнатсеварлигини таъкидламоқчимиз.

Деҳқон ўғли Алимжон ҳарбий хизматни тугаллагач, она шаҳри Андижонга қайтди. Ҳарбийда тобланган йигит бафуржа дам ололмади. 1966 йили Тошкент кучли зилзила остида қолди. Ушанда қалб амри билан Тошкентга келган йигит шаҳарни қайта тиклашда қурувчилик касбини ардоқлади.

Дам олиш кунлари дўстлари билан шаҳарни томоша қилиб юрган Алимжон диққатини троллейбуслар ҳаракатидаги айрим техник жараёнлар жалб қилди. Шу сабаб бўлдию у ишдан ажралмаган ҳолда троллейбус ҳайдовчилик курсини 1967 йилда намунали тугаллаб, 2-троллейбус депосига ҳайдовчи бўлиб ишга кирди. 1970 йилгача троллейбус бошқариб, минглаб йўловчилар ташаккурига, қариялар дуосига сазовор бўлди. Троллейбус кабинасига кириб руль бошқарар экан, машина гўё унинг танаси аъзосига айланар, қаерда қандай «оғриқ» борлигини дарҳол сезарди.

Мана, 20 йилдирки, А. Ҳакимов троллейбусларни созлаш цехида етакчи электр слесари бўлиб ишлаб келмоқда. Шу йиллар давомида қанчадан-қанча тунларни бедор ўтказди. Троллейбусларнинг айрим техник қурилмалари жумҳуриятимиз иқлимига дош беролмаслиги, электр симларининг устки қопламаси иссиқ таъсирида чатнаб кетиши олдини олиш борасидаги фикрларини иш жойида ҳамкасблари билан муҳокама қилди, таъмирлаш ишларини самарали йўлга қўйди.

Ҳалол ва бенуқсон меҳнати Алимжонга бахт келтирди: уйли-жойли ва оилалик бўлди, 4 фарзандини вояга етказди. Ҳамкасблари, депо маъмурияти орасида ҳурмат-эътибор топди.

А. Ҳакимов ишлаётган цех созловчилари диққат-эътиборни машиналарни пухта таъмирлашга қаратганлар. Жорий таъмирдан ўтган машиналар 65 минг чақирим йўл босишга кафолат берса, 1-ва 2-техник кўриклар 12—15 минг чақирим йўл босиши мумкин. А. Ҳакимовнинг асосий вазифаси ана шу кўрикдан чиққан машиналарни синчковлик билан текшириб, ҳаракат таркибидаги машиналар сафига қўйиш. Машиналарни қисмларга сочиб ташлаб, яна тиклашга қодир даражадаги уста бўлганлиги учун ҳам масъулиятли вазифа унга юклатилган. Назорат вақтида камчиликлари батафсил аниқланган машина созлаш цехига қайтарилади.

— Биз эҳтиёт қисмлар ниҳоятда тақчил бўлган ўтган йилда бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, йиллик режани уддаладик. 1991 йилда ҳам жумҳуриятлараро шартномалар кучга киргунча созлаш ишларида узилиш бўлмайди, — дейди биз билан суҳбатда уста А. Ҳакимов. — Байналмилал жамоамиз аҳил ва иноқлик билан ишлашади. Цехда қарийб 20 йилдан бери меҳнат қилаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Дўстлик чуноқ мустаҳкамки, ҳеч ким бригадани ташлаб кетгиси келмайди. Дўстлик, аҳиллик, биродарлик бор жойдан нуқсон чекинади.

Машъал цехдан ҳар ойда линиядаги ҳаракат таркибига пухта созланган 54 та машина қўшилади. Бу муваффақиятга эришишда цехнинг барча ишчилари учун меҳнат интизоми биринчи галдаги вазифа эканлиги ҳам сабабдир.

Цехда ҳаёт қайнайди. А. Ҳакимов шогирдлари Н. Никитин, Ш. Юсуповлар илғорларга тенглашиб меҳнат қилмоқдалар. Комплектлашган бригада ишчилари бир неча ҳунарни тўлиқ эгаллаганлиги меҳнат жараёни баракали бўлишини таъминламоқда. Яроқсиз деб топилган машина қисмларидан таъмирлаш жараёнида эҳтиёт қисм сифатида фойдаланилади. Бу эса эҳтиёт қисмлар тақчиллигига барҳам бермоқда.

Корхонанинг энг масъулиятли иш участкасида фидокорона меҳнат қилиб, ўз бахтини меҳнатдан топган Алимжон Ҳакимов янги 1991 йилда ҳам шаҳримиз йўловчиларига намунали меҳнатни ташкил этишга аҳд қилган.

С. АЛИЕВ.

Зумрад Содиқова Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасининг пешқадамларидан саналади. У ҳамиша кунлик ва ойлик режаларини ортиғи билан адо этмоқда.
Ҳ. Солиҳов сурати.

Йўловчиларга қулайлик

ХОЛИС ХИЗМАТ

Январь ойининг дастлабки кунлари жуда совуқ келгани оқибатида шаҳар транспорти хизматида айниқса тақчиллик сезилиб қолди. Бу эса эрталаб ва кечки маҳал бекатларда одамларнинг кўп вақт транспорт кутиб туришларига олиб келди.

Шуни ҳисобга олган Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси қошидаги йўловчилар ташиладиган барча турдаги транспорт ишини мувофиқлаштириш бошқармаси аҳоли гавжум бўладиган бекатларда қўшимча транспортлардан фойдаланишни йўлга қўйдилар. Бошқарма хизматчилари ДАИ ходимлари билан биргаликда йўл ҳаракати хавфсизлигининг олдини олишга ҳам бош-қош бўлишяпти. Бу холис хизмат январь ойининг бошидан бошланди.

Фикримизнинг исботи тариқасида М. Горький истироҳат боғи бекатида улар ишини кузатдик. Бу ердан айниқса Юнусобод даҳасига кўп пассажирлар қатнаши маълум бўлди. 60э-, 92-, 51-йўналишдаги тез юрар автобусларга яна қўшимча қилиб 2 та автобус хизматга жалб этилди.

ДАИ ходими тўхтатган «Буюртмали» деб ёзиб қўйилган автобус бир зумда лиқ тўлди. Сабаби ҳайдовчи 60э-автобус йўналиши бўйича юришни эълон қилган эди.

Шу автобусга чиқиб кетаётган йўловчига мурожаат қилиб:

— Кечирасиз, Сиз мана шу ердан ҳар куни қатнайсизми? — дея савол бердик.

— Ҳа, албатта. Мен Муржалов бўламан. Юнусобод даҳасининг 18-мавзесида истиқомат қиламан. 60э-автобус мен учун қулай. Йўналишдан ташқари мана бундай автобуслар айниқса об-ҳаво ёмон бўлиб турган кезларда анча ёрдам бўляпти. Ишга келиш ва кетиш вақтида бу савоб ишни фақат мавсумий эмас, доимий йўлга қўйиш керак деб биламан.

Йўловчи М. Муржаловнинг фикри ўринли. Ҳақиқатан ҳам «Буюртмали» деб ёзиб қўйилган автобуслар ҳамиша ҳам бекатларда саргайиб турган йўловчилар узоғини яқин қилса айни муддао бўларди. Манзилларига етиб олган йўловчилар бу холис хизмат учун албатта «раҳмат» деб кетиши аниқ.

Бекатдаги автобус Юнусобод даҳаси томон юриб кетди. Энди менинг эътиборимни ДАИ ходими ва унинг ҳамроҳи жалб этди. Улар Равил Хазиаҳмедов ва бошқарма транспорт хизмати бўлими бошлиғи Шуҳрат Мирзааҳмедов экан. Мен уларга савол билан юзландим:

— Шуҳрат ака, айтингчи, бу холис хизмат фақат мана шу бекатда ташкил этилганми, ёки?..

— Шаҳримиз жуда кенг. Келиб-кетувчилардан ташқари яшовчиларнинг ўзи ҳам сон-саноқсиз. Мавжуд транспортлар айнан эрталаб соат 7 дан 9 гача, кечки пайт соат 18 дан 20 га қадар ҳаддан зиёд тўлиб кетади. Меъёридан ортиқча йўловчи олган айрим транспортлар авариядa дуч келяпти. Шуни ҳисобга олган ҳолда йил бошидан бошлаб ҳар бир транспорт графигидаги 12 автобусга қўшимча 2 тадан автобусни хизматга чорлаяпмиз. Бошқармамиз ходимлари ва ДАИ ходимлари ҳамкорликда метронинг Чилонзор, Горький бекатларида, Самарқанд автостанцияси, Олой бозори, Талабалар шаҳарчаси ва Коммунистлар автостанцияларида махсус назорат ўтказиб боришмоқда. Шунинг билан бирга йўловчиларнинг оқимига қараб бўш кетаётган автобуслардан фойдаланишни жорий этишмоқда. Бу, қисман бўлсада йўловчиларга ёрдам бўлиши шубҳасиздир.

Г. МАМБЕТОВА.

МУҲИМ ИХТИСОСЛИК

ЕШЛАРНИ АТРОФ-МУҲИТНИ САҚЛАШ БОРАСИДАГИ БИЛИМЛАР БИЛАН ҚУРОЛЛАНТИРИШ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ИШИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛДИ. ШУ САБАБЛИ ҲАМ ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА БУ СОҲАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛИБ, ЯНГИ КУРС ВА ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАШҒУЛОТЛАР ОЛИБ БОРИШГА КИРИШИЛДИ.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар илмгоҳида «Муҳандислик экологияси» куллиётининг очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Махсус куллиётдаги машғулотлар муҳандис-техник ходимларни, ўқитувчиларни қайта тайёргарликдан ўтказишга қаратилган бўлиб, олти ойга мўлжалланган. Тингловчилар атрофмуҳитни муҳофаза қилишнинг ижтимоий ва фалсафий назарий асослари билан танишиб, бой билимга эга бўладилар. Шунингдек, курс машғулотлари орқали педагогика ва психология асослари бўйича зарур билимлар билан қуроллантириш ҳам кўзда тутилди.

Куллиётда лекция ва суҳбатларнинг кўнгилдагидек бўлишини таъминлаш учун малакали мутахассис олимлар, тажрибакор ўқитувчилар, ишлаб чиқаришнинг етакчи муҳандислари ҳамда иқтисодчилари жалб этилди. Ҳар бир назарий машғулот бевосита амалий жараёнлар билан боғлаб олиб борилмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, олти ойлик машғулотлар тугаши олдидан тингловчилар диплом лойиҳасини ҳимоя қиладилар ҳамда уларга «Муҳандислик экологияси» ихтисослиги эгаси деган гувоҳнома берилади.

Р. ОБИДОВА.

Ҳам куласиз, ҳам куясиз

ТАҚЧИЛЛИКДАГИ ИСРОФГАРЧИЛИК

БУГУН қайси хўжалик раҳбарига ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳақида оғиз очишингиз билан таъминотдаги тақчилликларни қалаштириб ташлайди. Металл йўқ, ёғоч анқонинг уруғи, у корхона бу етказиб бермади, нариги — у... Режанинг бажарилмаётганига ҳам, дўконлар пештахталари шип-шийдамлигига ҳам фақат шу сабаб қилиб кўрсатилади.

Шаҳар назоратчилари «Раҳбарларининг гапига ишонгину ҳақиқий аҳволни текшириб қўйишни ҳам унутма» қабилида иш тутадиганлардан. Шу боис улар Тошкент асбобсозлик заводи остонасидан ҳатлашди. Тўппа-тўғри: таъминотчилардан хом ашё ва материаллар олиш режаси 91 фоизга аранг илиниб-ди. 700 минг сўмлик материаллар олинмабди.

Начора, танг аҳволга тушиб қолганлар биргина асбобсозлар эмас. Маъмурий — буйруқбозлик услубидан воз кечамиз деб, ўн йиллар давомида мамлакатда ўрнатилган, чамбарчас бўлиб кетган иқтисодий алоқаларни бозорга ўтяпмиз, деб шамшир билан кескандек узиб юборди-ик. Ҳозир қайси корхонада бўлманг, навбатдаги вакиллар ўша хом ашё, материаллар, бошқа бирор зарур қисмлар, буюмларга «мутлақ ҳоким» ҳузурига бош эгиб бериш учун сафарга тайёрланаётганлигининг устидан чиқасиз. Узоқ йўлга, албатта, қуруқ қўл билан бориб бўладими...

Аммо у ўша «мутлақ ҳоким»лар ҳам анойи эмас. Узунқулоқ гапларга қараганда қовунлар билан сийланаверганларидан шарқ бозорининг қишдаги бу тансиқ совғаси уларнинг меъдаларига тегибди. Илгаридагидек, ресторандаги қуюқ зиёфатлар ҳам ўтмай қолибди. Ҳатто ҳамма нарсанинг тилсими бўлган, чўнтак харажатлари учун қистириладиган червонлар, айниқса «элликталик» ва «юзталик» «ўйиндан ташқари ҳолатида», деб эълон қилингандан буён ўзининг кучини кўрсатишга ожизлик қилаётганмиш. Бу «ҳоким»лар кўнглини овлай оладиган мулла жирингдар ҳам бор. Лекин уларнинг ранги, нақши, аталиши бошқачароқ: доллар, марка, иена, франк, фунт стерлинг... Молиячилар уни ЭАВ — эркин алмаштириладиган валюта, деб ҳам аташади. Ўша «мутлақ ҳоким»ларимиз Совет Иттифоқида маҳсулот чиқараётган бўлсалар ҳам, пулни «ёғоч сўм»ларда эмас, тилларанг товланиши бўлган валютада олиш ниятидалар. Орзуга айб йўқ, албатта. Бироқ, бисотхонадан пулни фақат сўмда оладиган корхоналар бу орзуни қандай қилиб ушата олсинлар?..

Хуллас, «отанг яхши, онанг яхши» деб амал-тақал қилиб, қанчадир хом ашё ундирилди, ҳам деяйлик. Аммо у қўлга тегиши билан яна ўша-ўша пештахтада «чанг тўплагич»лик вазифасини ўтайдиган матоҳга айлантирила бошланади.

Мана, асбобсозлик заводининг «устаси фаранг»лари ҳам юртимизда нима кўп — ўқувчи кўп, уларнинг орасида фанерларни кесиб нақш тайёрлашга ишқивозлар кўп, деб тақчил хом ашёдан ана шундай аррачалар тайёрлайдилар. Бу арралар туркумларидан савдо шохобчалари ва «Узхозторг» омборларига юборилган 816 таси текшириб кўрилди. Воажаб, улардан 345 таси ёки тенг ярмига яқини яроқсиз чиқса!

Ҳа, энди брак бўлса брак-да. Нима, эсиз-эсиз уларга сарфланган хом ашё корхона раҳбарларининг шахсий мулкими? Таъминотчилар кўнглини топишар, яна металл ундириб келишар, яна...

Шу ерда тўхтанг, азизу биродар «устаси фаранг»лар. Бу ўзи таги кўриниб қолган хом ашёларимизни яроқсиз буюмлар тайёрлашга сарфлайверсак, биримиз икки бўладими, косамиз оқарадими?

Бу даъватга раҳбарлар мийиғларида кулиб қўйишлари мумкин. Ҳа, энди катта хўжалик, юз-икки юз аррачалар туркуми бракка чиққанига ота ғўри — қозихонами, деб катта гапиришингиз ҳам мумкин. Бироқ ортага бозор иқтисодиёти ҳуқуқига кириб, тайёрлаган маҳсулотингизга биров қиё боқмаса, ходимларингизни қўлверинг, шахсан ўз маошингизга ҳам пул тополмай қолишингиз аниқ.

Бу бош кийимлар фабрикаси раҳбарларига ҳам тааллуқли. Ўтган йил ёз охирларида жумҳурият Давлат стандарти вакиллари 5 турдаги маҳсулотлар сифатини текшириб кўришганда, улардан икки тури талабга жавоб бермаслиги аён бўлганди. Режадан ишлаб чиқарилди, деб ҳисобланган маҳсулотлардан 1400 сўмлиги чегириб ташланганлиги ҳам кор қилмайди. Яна бир текширишда қўлдан ўтказилган маҳсулотнинг 62 фоизи яроқсиз, деган хулосага келинди. 10,6 минг сўмлик маҳсулот брак бўлди. Бу бошқа пайтларда рўкач қилинадигандек, хом ашё юқори сифатли бўлмаганлиги оқибати эмас. Сабаби оддий: бичими хато, чоки нотекис.

Мисолларни яна давом эттираверишмумкин. Бунга муштарийларнинг ўзлари ҳам деярли ҳар куни гувоҳ бўладилар. Магазин пештахтасида бир нарса кўзингизга иссиқ кўриниб қолади. Харид қилай десангиз беўхшовлиги, кўполлиги, хунуклиги билан дарҳол ихлосингиз қайтади. Ҳар қандай инсофли одам буни кўриб сарф қилинган хом ашё ва фойдасиз меҳнатга ачинади. Ўзи рўзгор учун зарур бўлган молни ололмаганидан кайфияти бузилади.

Наҳотки бугунги кунда оммавий тус олган тақчиллик ҳам бизни бирор нарсага ўргатмайди? Ё биз аввалгидек, озгина хом ашёни ҳам исроф қилиб, яроқсиз буюмларни омборларга қалаштириб ташлайверамизми?

Э. МАДИЕРОВ.

Жасоратнома

ЖАЛИЛ МЕРГАННИНГ АРМОНИ

НИҲОЯТДА камтар ва хушфеъл бу отахон билан маҳаллада қариб ҳар куни саломлашиб ўтардим. Аммо унинг ўтмиши, бошидан кечирган ғаройиб саргузаштларини билмас эдим. Бу ҳақда бир гуруҳ қариялар билан отахоннинг набира тўйида ўтириб, ўзаро суҳбат чоғидагина гап очилиб қолди.

Қариялар қатори мен ҳам ажабланиб, Жалил аканинг оғзига қараб қолдим. Одатда камгап бу одамдан йиғину, барча катта-кичик давраларда сира гап чиқмаганлиги учун ҳайрон қолдик.

— Бу воқеа Курск ўрмонларида мудофаада турганимизда рўй берди,— дея оҳиста ҳикоясини бошлади Жалил ака Ғуломов. — Снайпер, яъни ўзбекчасига айтганда мерган сифатида «ов»га чиққан пайтим. Катта дарахт тепасида қулай ўрнашиб, атрофни кузатаяпман. Ўрмон ичидаги ялангликдан ким ўтса шундоқ мўлжалимга тушади. Кечаси билан туриб эрталаб батальонга қайтишим керак.

Ярим кеча. Ой ёруғида ялангликда бир неча немис кўринди. Улар солдатми ё сипоҳи? Вазифам фақат командир сипоҳиларни отиш. Бир маҳал улар нақ мен турган дарахт остида тўхташди. Саккиз немис солдати ва бир сипоҳи ўзаро нималарнидир ғўнғирлаб гаплашишди. Улар мен, мерганни пайқашгану, тирик қўлга олишга келган, деган хаёлга бордим. Паймонанг тўлибди, бўш келма энди дея тақдиримга тан бериб, автоматни пастга қаратдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, улар тепага қатлаҳо қарамай худди ўзларининг уйларидек чордона қуриб ўтиришибди. Ўртада тўкин дастурхон...

Бир вақт улар ўринларидан қўзғалишди. Сипоҳи кўрсатган йўналишларга икки-иккитадан бўлиб йўлга тушдилар. Мақсадлари разведка қилиб бирон сипоҳини қўлга тушириш экан... «Ҳа, занғарлар, барибир шу ялангликдан қайтасанлар-ку!» дея дилимга тугиб қўйдим.

Тонг ёришай деб қолганда фашистлар яна худди шу дарахт тагида пайдо бўлишди. Кимдир елкасидан қопни туширди. Оғзига латта тиқилган асирни кўрдим. Энди бутун диққатимни немислар тарафига олиб борадиган ялангликка қаратдим. Автоматимни шайлаб жангга ҳозирландим...

Биз Жалил аканинг ҳикоясига берилиб даврадаги йигит-қизлар рақсига ҳам, бир-бирига уланаётган куй-қўшиқларга ҳам эътиборни унутган эдик.

— Хўш, кейин нима бўлди? — деди маҳалламизнинг баобрў қарияларидан Шароф ака. У ўзининг топқир, ҳазилкашлиги билан танилган одам.

— Кейинми, — кулди Жалил ака, — ҳозир сиз, Шарофжон, нима ўйлаганингизни биламан, Жалил ака роса энди воқеани кўпиртириб бир ёлғонга ўн ёлғон қўшади, демоқчисиз. Йўқ. Воқеа мутлақ бошқача тугади. Немислар мен кутган жойдан эмас, бошқа тарафдан келиб қолишди. Мен асирни қутқаролмай, фашистларни отолмай доғда қолдим.

— Лекин, — дея яна гапга аралашди Шароф ака, — ўша ҳисобингиздаги 38-сипоҳининг шнапсидан бебаҳра қолибсиз-да!

Даврада енгил кулги кўтарилди.

— Нега энди, — дея жавоб қилди Жалил ака, папирос тутатиб,—бир неча кундан сўнг уни қўлга туширибгина эмас, шнапсидан ҳам ичдим. Урушда шунақаси ҳам бўлар экан.

Курск ёйида шиддатли жанглар бошланганда мен батальон командири, капитан Деврисашвилининг адъютанти эдим. Қарши ҳужумга кўтарилиб олга борардик. Буғдойзордан ўтаётганимда кимнингдир инграганини эшитдим. Яқинлашиб кўрсам бир фашист сипоҳиси буғдойдан ўринди қилиб ўтирибди. Автоматни унга тўғрилаб ўрнидан туришни буюрдим.

— Найн, — дея у бош чайқади ва тиззасини кўрсатди. У оёғидан яradор бўлгани ва юролмаслигини тушундим.

Сипоҳи флягасини очиб қопқоғига шнапс қуйди. Олдидаги ёзиғлик қоғоздан пиширилган товуқ гўштидан олди.

— Мен русчани тушунаман, — деди у, — сиз кимсиз? Миллатингиз?

Автоматни туширмай унга ўзбеклигимни айтдим.

— Демак, оснёлик. Оснёликлар мурувватли бўлишади, — деди сипоҳи шнапсни ичиб, газак қиларкан. У мени ўтиришга ундади. Иккиланиб турганимни кўриб, гапида давом этди:

— Хоҳласангиз отаверинг, ё асир олинг. Мен оғир яradорман.

У шнапс қуйилган қопқоқчани узатди.

— Чин юракдан беряпман, аскар сифатида. Ичинг, қувват бўлади. Нима бўлса бўлар, дея шнапсни ичиб, газак қилдим. Лекин автоматни қўлдан туширмадим.

— Шу ерда қимирламай мени кутинг, — дедим ва ўзимизникилар орқасидан чопдим. Капитанга воқеани айтиб бердим.

— Немис қўлидан шнапс ичганингни ҳеч кимга гуллама, — деди батальон командири, — акс ҳолда трибуналга тушасан.

Ҳа, капитан Деврисашвили ажойиб одам эди. У билан санитарлар ҳамроҳлигида буғдойзорга келганимизда фашист сипоҳиси ўша жойида ҳушидан кетиб ётган экан.

— Улфатинг тайёр бўлиб қопти-ку! — кулди капитан ва санитарларга уни замбилга солиб санитастга олиб боришни буюрди. Кейин... Сипоҳни кўпгина қимматли маълумотлар берганини эшитдим. Шундан сўнг кўп ўтмай капитандан ажрадик. Менинг ўрнимга у ҳалок бўлди. Ҳужумга бораётган маҳалимизда кимдир елкамдан тортди. Қарасам комбат.

—Ким командир ўзи? Сенми ё мен? — деди у жаҳл билан, — орқага ўт.

Зовур чеккасига ўтиб капитанни олга ўтказиб юбордим. Бўйи салкам икки метр, йўғон гавдали грузин Деврисашвили бир ўзи зовурни тўлдирарди. У мендан беш-олти метр олдинга ўтиб қисқа буйруқларни такрорлади. Биз орқама-орқа уларни етказа бошладик. Шу вақт фашистларнинг реактив снаряди «Ванюша» нақ капитан турган жойда портлади. Қулоқларим битиб, кўз олдимда яшин чақнагандек бўлди. Дастлаб ҳеч нарсани сезмадим. Кўзларим билан капитанни изладим. Не кўз билан кўрайки комбат турган жойда унинг этиклари қолибди, холос. Мана сенга уруш! Соппа-соғ, паҳлавон одамдан қолгани шу! Во дариғ, дея ҳайкалдек қотиб қолдим.

— Олға, йигитлар! Ғуломов, нега қаққайиб турибсан? Комбат қани? — Мен қулоғим битганидан ёнимга келган сипоҳи сўзларини илғамадим. Фақат қўлимни кўтарганимни биламан. Шунда чап қўлимдан қон отилганини кўрдим.

Сипоҳи — бу сиёсий бўлим командири экан. Воқеани тушунди. Чап қўлим, ўнг оёғимдан яradор бўлган эканман. Санитар ярамни боғлаётганидагина кучли оғриқни сездим.

— Агар иложини қилсанг, ҳу анави ўрмон четига бор, — деди сиёсий бўлим командири, — биз қайтгач, сени олиб кетамиз.

Улар олга кетишди, мен эса бир амаллаб ўрмон чеккасига етиб бордим. Ҳолсизланганимдан автоматни кўтаришга ҳам зўрга куч топдим. Дарахтга суянганча ҳушимдан кетганимни эслайман, холос. Ўзимга келганимда ўрмонга қоронғилик чўккан эди. Елғизлигимдан оғриқдан не хаёлларга бормадим, дейсиз. Дастлаб акам, ҳа ўша 1939 йили фронтга кетиб бедарак йўқолган Жалол акам кўз олдимга келди. У мени гўё ўрмон ичкарисига имлайди. Бир вақт ойим Нуринисонинг чеҳралари кўринди, фронтга кетаётганимда қилган дуолари ва айтган сўзлари эшитилгандек бўлди:

— Соғ бориб, соғ келгин. Укаларингга бош бўлгин.

Чиндан ҳам қандайдир овоз эшитилди. Кимдир аравада хиргойи қилиб келарди. Русча. Бор овозим билан бақирдим:

— Тўхта, Иван!

Аравадаги одам автоматини ўқталганча атрофга аланглади.

— Ким у? Чиқ буёққа!

Мен яradорлигим ва ўрнимдан туролмаслигимни айтгач, у қўрқа-писа дарахт олдига келди. Танидим. Ўзимизнинг ошпаз экан, йиғлаб юборишимга оз қолди.

У мени таниб аравага ортди. Госпиталда операция қилишди. Чап қўл ишдан чиққан, ўнг оёқ ҳам шикастланган. Комиссия менга III гуруҳ ногирони бериб, уйимга жўнатди.

...Жалил ака ўчиб қолган папиросини тутатди. Даврада сукут. Атрофимизда эса тўй қизимоқда. Куй-қўшиқларга уланиб ёшларнинг қийқириқлари, қарсаклари янграйди.

— Шунча гаплар бор экану, биз билмай юрган эканмиз-да, — деди Шароф ака. Унинг сўзларида ҳазил сезилмас эди.

Биз суҳбатдошимизга ўзгача нигоҳ билан қарардик. Зотан, Октябрь ноҳиясидаги «Фаол» маҳалласининг камтар, камсуқум отахони Жалил Ғуломов эндиликда ўзининг жанговар ўтмиши билан кўпчиликни ўзига мафтун қилган эди.

Ҳамдам СОДИҚОВ.

Кейинги пайтларда халқ маорифи соҳасида ижобий ўзгаришлар юз беряпти. Жумладан, Куйбишев ноҳиясидаги 208-мактабда ўқувчиларга стипендия берила бошланди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларга стипендия учун маблағ қаердан олинади?

— Маблағ мактаб қошидаги видеосалондан ва ижарага берилган мактаб спорт комплексидан тўланади, — дейди мактаб директори Б. Бляхер. — Бундан ташқари ўқувчилар турли қурилиш ишларини ҳам амалга оширишади. Стипендия ҳаммага ҳам эмас, балки одобли, аълочи, ҳар томонлама камол топган ўқувчиларга берилади. Бу ишга эса мактаб комсомол қўмитасида тузилган марказ бош-қош. Ҳозирда мазкур ўқув даргоҳидаги тўққиз нафар ўқувчи 10 сўмдан 30 сўмгача стипендия олишмоқда.

СУРАТДА: аълочи, фаол жамоатчи, стипендияга лойиқ топилган 10-синф ўқувчиси Е. Бортникова (чапда) Н. Алексеевага дарсларни ўзлаштиришда ёрдам бермоқда.

Х. Мирзакаримов сурати.

Қадрият

ИБРАТЛИ УМР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН КИРОВ РАЙОНИДАГИ 272-ЎРТА МАКТАБГА ДОДАМУҲАММАТ НУРМУҲАМЕДОВ НОМИ БЕРИЛДИ.

Замон янгиланмоқда, одамларнинг маънавий олами ўзгармоқда. Тахликали йиллар тўфонида унутилиб кетган асл инсонлар номи тилга олиниб, қадрият сартахталарига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилмоқда...

Бу гапларни бир устоз номи берилган мактаб дарвозасидан муборакбод этиш учун кириб келаётган кишилар тилидан эшитдик.

Бир зумда мактаб ҳовлиси ўқувчиларнинггина эмас, балки ажабтовур катта ёшдаги кишилар гурунги билан ҳам файзли бўлди. Мактаб директори Клара Шокирова хушхабар тафсилотини батафсил тушунтирарди:

— Мана, биз кўпдан бери орзиқиб кутган ўша кун келди. Мактабимизга Додамуҳаммат Нурмуҳамедов номи берилди.

— Қаранг, домла отанинг исм-фамилияларини шу вақтгача билмас эканмиз, — деди устознинг талабаларидан бири, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Абдували Ғуломмаҳмудов. — Сени 1-синфда ким ўқитган деса, домла ота ўқитганлар, деб қўяқолардик. Ёшим элликдан ошди, анчагина ҳаёт йўлини босиб ўтдим. Лекин менга ўхшаган юзлаб талабаларга илк бор ҳарф танитган ўша нуроний сиймо — домла отамиз биз учун ҳамиша азиз ва мўътабардир.

— Камтарлик ҳақида гап кетганда, — деб ҳикоя қилади журналист М. Комилжонов, — қирқ уч йил ўтган бўлса ҳам, бир қўлида халта, ҳасса таяниб, кўзойнак тақиб юрадиган, чўққи соқолли нуроний домла отамиз ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Мактаб яқинидаги кичиккина ҳужрада шамчироқ ёғдусида китоб варақлаб ўтирганларини кўрганман. Чироқ нури оддий хонани ёритган бўлса, домланинг маърифат нурлари қўлаб кичкинтойларнинг онгини нурафшон этди.

Дарҳақиқат, домла ота қўлида таҳсил кўрмаган киши Юнусобод даҳасида кам топилади. Устоз қўлида биринчи марта савод чиқарганлар давримизнинг меҳнаткаш ва ҳалол кишилари бўлиб вояга етдилар: Ўзбекистон ССЖ халқ депутати, Тошкент ноҳиясидаги К. Маркс номли колхоз раиси Р. Акбаров, Тошкент Давлат дорилфунунининг доценти О. Шокиров, Семашко номидаги тиббиёт илмий-тадқиқот олийгоҳининг директори К. Йўлдошев ва ўнлаб педагог, партия-совет ходимлари шулар жумласидандир.

Инсонлар меҳр-ардоғида оддийгина домла ота бўлиб ёдланиб келаётган кишининг умр йўли оддий, аммо ҳавас қилгуликдир.

Додамуҳаммат Нурмуҳамедов 1875 йилда Тошкентда туғилди. У ёшлик давридаёқ илмга қизиқиб, йигирма ёшидан бошлаб Бухородаги Мирараб мадрасасида болаларга билим бера бошлади. Кейинчалик Фарғонадаги янги мактабларда дарс берди. 1934 йили Тошкентга келиб, Юнусобод қишлоғидаги собиқ Ушинский номли 24-мактабда 20 йил — то умрининг охиригача муаллимлик қилди.

Унинг кўксини Ленин ордени безади, жумҳурият Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Юнусобод қишлоғида яшаган юзлаб кишиларнинг устози домла отанинг салкам 60 йиллик ўқитувчилик фаолияти ҳар бир инсон учун ибратлидир.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Лавҳа

ЖИҲОЗЛАРИ

ЭКРАНЛАРГА ЧИҚАРИЛАЁТГАН ҲАР БИР БАДИИЙ ФИЛЬМ УЧУН КЎПЛАБ ТУРЛИ БЕЗАКЛАР, ЖИҲОЗЛАР, МАХСУС БУЮМЛАР ТАЙЁРЛАНИБ, СУРАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНЛАРИДА УЛАРДАН ЎРНИ БИЛАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ.

Масалан, «Али Бобо ва қирқ қароқчи» бадиий фильми лавҳаларини суратларга туширишда Шарқ халқлари миллий урф-одатлари, уй-рўзғор ишлари, карвонсаройга доир талайгина анжомлар зарур жиҳозлар бўлиб хизмат қилди.

Шуни қувонч билан айтиб ўтиш жоизки, бу хил буюмлардан кўпчилиги Тошкентдаги «Шарқ» кўн-пойабзал бирлашмасида тайёрланган эди. Худди шунингдек, «Клим Самгининг ҳаёти» бадиий лентасини яратиш учун бирлашмага буюртмалар берилди.

Эндиликда корхона Иттифоқимиздаги кўпгина киностудиялар билан яқин алоқа боғлаган. Жумладан, «Мосфильм» студияси ҳам бирлашмага буюртмалар билан тез-тез мурожаат қиладиган бўлиб қолди. Ижодий уюшма буюртмасига кўра корхонада турли либослар, отлар эгар-жабдуқларини тайёрлаб берди. Булар студиянинг «Шоҳ ови» янги фильмида ўз аксини топди.

Акбар АЛИЕВ.

Акс садо

«КИМГА ТОШ ОТЯПТИЛАР?»

(«Тошкент оқшоми», 1990 йил 26 декабрь)

⊙ «КИМГА тош отяптилар?» сарлавҳали мақолани ўқиб, ниҳоятда руҳан изтироб чекдим. Ўзимга ўзим савол бераман: биз қай аҳволга тушиб қолдик, маънавиятимиз шунчалик тубанлашиб кетганми? Милиция ходимларининг «Бу ишлар сиртдан қаралганда, арзимаган ҳол дейиш мумкин», деган сўзлари ҳақ. Ахир биз атрофлича ўйлаганда, аста-секин шу кичик нарсалардан катта мудҳиш ҳодисалар келиб чиқиши мумкин. Ажабланарлиси шундаки, Хайрулла, Бахтиёр, Умид, Шуҳрат, Отабек, Даврон ва Тўлқин исмли болаларнинг ота-оналари ўз болаларининг трамвай, троллейбусларнинг ойналарини тошбўрон қилиб, пачоқлаб, одамларга жароҳат етказганлигини наҳотки беғуборликка бориб тан олишмаса? Ахир уларни милиция ходимлари жиноят устида ёқасидан олиб қилган номаъқулчиликларини аниқ далиллаб туришибдику! Жамият кимники? Умумхалқники. Нега энди уларнинг болалари ўзларининг ножўя хатти-ҳаракати, хулқ-атвори билан жамиятга зарар келтиради? Менинг шахсий фикрим бўйича, ҳар куни оилада болаларга 5 — 10 минут вақт ажратиб, жамоатчилик орасида қандай юриш, туриш, одамларга нисбатан муносабат ва ҳар хил нарсаларга зарар келтирмаслик ҳақида суҳбатлашиб туриши мақсадга мувофиқ.

Хулқсизлик оқибати қанчалар нохушликлар келтиришини, бир бурда нон, бир сўм пул топиш учун қанчалар заҳмат чекиб меҳнат қилиш эвазига бўлишини ҳам тушунтириб бориш ғоят муҳим. Ана шундай қилиб борилсагина буюмларни қадрлаш нималиги ҳақида тушунчаси шаклланиб боради.

Кези келганда бир мисолни айтиб ўтишни лозим деб ўйлайман. Бир куни айланиб қўшни уй томонга ўтсам, болалар ўйнайдиган кичик майдончада мактабда ўқийдиган бир ёш бола қоғозларни йиртиб ифлос қилаяпти. Мен у боланинг қўлидан ушлаб, «Нега ифлос қилиб ташлаяпсан? Ахир бу майдончада ўзларинг ўйнайсизларку», деб турган ҳам эдимки, бирдан тўртинчи қаватдан айвон ойнасини очиб ҳалиги боланинг онаси: «Тегма болага, майдончани йиғиштирадиган одами бор», деб ўшқириб берди. «Тарбия берган онаси сен бўлсанг, ўғлинг улғайганда қандай одам бўлар экан?» — дедимда, ортимга қайрилиб кетавердим. Ана энди бундай ўйлаб қаранг: ана шу оилада ўзгалар меҳнатини менсимаслик, қадрламаслик иллати бор. Бола бошидан айнаган.

Бундан ташқари бекатларга, майдончаларга қўйилган ўриндиқлар, янги экилган кўчат дарахтлари юлиб, синдириб ташланади. Бу кимнинг иши дейсиз? Албатта хулқсиз фарзандлар иши. Бу ишни қилишдан олдин, булар халқ, жамият учун қилинган-ку, деган фикр хаёлларига ҳам келмайди...

«Тошбўрон»да иштирок этган болаларнинг ота-оналарини менимча, ҳар бирининг ишхонасида, жамоаси ўртасида одамийлик, дўстона ва беғаразлик билан қаттиқ муҳокама қилиш керак. Нега деганда, бу ота-оналарнинг болалари безорилиги ҳақида бутун шаҳар билади-ю, қандай қилиб улар билмай қолишлари мумкин?..

Иккинчидан, улар яшаётган ердаги маҳалла қўмитаси вакиллари иштирокида маҳалламизда яшовчи фалончининг фарзанди номаъқул иш қилиб, маҳалла аҳлига муносиб бўлмаган ишни қилган, деган мазмунда жамоатчилик муҳокамасига қўйилса, мақсадга мувофиқ иш қилинган бўлинарди. Бу тадбирлардан сўнг, болалар безориликларини давом эттирса, у ҳолда ота-она жарима тўлаши шарт. Нега энди шу кишилар биз билан бирга жамиятда яшаб, фарзандларини зараркунанда, безорилик кўчасига киришга йўл қўйишади?.. Уларнинг барчаси енгилтаклик қилмай содир этилган воқеликдан тегишли хулоса чиқарадилар, деган умиддаман.

Муталиб ҚУЛМИРЗАЕВ,
меҳнат фахрийси, 7 фарзанднинг отаси.

Шунақаси ҳам бўлади

ҲОЗИРЖАВОБ САЙЁҲ

КУНЛАРНИНГ бирида шоҳ Рим бўйлаб отда сайр қилиб юраркан, ўз йўлида кетаётган бир ғаройиб ажнабийни учратиб қолади. Бунинг қизиқарли жойи шунда эдики, нотаниш мусофир йигит шаҳаншоҳга худди қуйиб қўйгандек ўхшаш эди. Хаёлидан алланималар кечган шоҳ гумонини аниқлаш мақсадида аъёнларига мурожаат қилади ва уларнинг барчаси шоҳ билан мусофир бир-бирларига бир томчи сувдек ўхшаш эканликларини бош ирғаб маъқуллайдилар. Шу тариқа ўзича гумонсираган шаҳаншоҳ «Сайёҳнинг онаси бир вақтлар Римда яшаган, олий ҳазрат билан дон олишган бўлса ажабмас», деган хаёлларга бориб, йўлдошлари қуршовида хориждан келган меҳмонга мурожаат қилади:

«Эй, сайёҳ! Айт-чи, онанг Римга тез-тез келиб турармиди?»

Шамолнинг қай тарафдан эсаётганлигини фаҳмлаган зийрак сайёҳ подшо ҳазратларига жавоб қилибди:

— Улуғ зот. Волидаи меҳрибоним умр бўйи остона ҳатлаб ташқарига чиқмаган. Лекин падари бузрукворим Римга тез-тез ташриф буюриб турган, чунки раҳматлик дунёда тенги йўқ савдогар бўлганлар!

ЯНГИ ТАРТИБ

Хизмат юзасидан хорижга жўнаб кетишни расмийлаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида СССР ҳукуматининг қарори билан чет элга командировкага юборилган ходимлар учун хорижий паспортлар ва бошқа сафар ҳужжатларини расмийлаштиришга оид хизматларга ҳақ тўлашнинг ягона тартиби жорий этилади. Янги тартибда халқаро тажриба ҳамда СССР вазирликлари ва идоралари паспорт-рухсатнома бериш ишларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. СССР Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик хизматлари ҳам ана шу тартиб асосида ишлашга ўтказилади.

Хорижий паспортларни расмийлаштириш ва чет давлатларнинг бевосита СССРдаги дипломатия ва консуллик ваколатхоналарида уларнинг рухсатномасини мустақил олиш учун рухсат берилган СССР вазирликлари ва идораларига ягона тартибга мувофиқ шундай паспортлар ва бошқа сафар ҳужжатларини расмийлаштиришга оид хизматлар кўрсатганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқи берилади. Бюджет ташкилотлари ана шу ташкилотнинг чет элга юборилаётган ходимлари учун сафар ҳужжатларини расмийлаштиришга оид хизматларга ҳақ тўлашдан озод қилинади. Ташқи ишлар вазирлигига ўз ходимларини командировкага юборадиган бошқа ташкилотларни узрли сабаблар бўлганда ана шундай хизматлардан озод қилиш ҳуқуқи берилди.

СССР вазирликлари ва идоралари чет элга командировкага юборилаётган ходимларга сафар ҳужжатларини расмийлаштирганлик учун ҳақ олишдан ташқари маблағларнинг 45 фоизини Иттифоқ бюджетига ўтказишларн белгилаб қўйилди. Маблағларнинг қолган қисмидан улар СССР Молия вазирлиги СССР Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда белгилайдиган тартибда фойдаланадилар.

СССР Ташқи ишлар вазирлигига манфаатдор Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари билан биргаликда ўз хараждатини ўзи қоплаш асосида уларнинг Ташқи ишлар вазирликлари регионал ваколатхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш вазифаси юклатилди. Ана шу ваколатхоналар чет элга командировкага юборилаётган ходимлар учун хорижий паспортларни расмийлаштириш ва чет давлатларнинг рухсатномаларини олиш юзасидан хизмат кўрсатадилар.

Иттифоқдош Жумҳуриятларнинг ҳукуматларига халқ депутатлари ўлка, вилоят, шаҳар советлари ижроия комитетлари ҳузурида шундай хизматларни ташкил этиш, сафар ҳужжатларини расмийлаштириш юзасидан хизмат кўрсатганлик учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш чоғида ушбу қарорда кўзда тутилган тартибдан асос сифатида фойдаланиш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тавсия этилди.

Томошадан кейинги ўйлар

«КУЁВЛАР ТАНЛОВИ»

АСКИЯГА, кулгига ўч шинавандалар хушхандон, ичакузди томошалар бўлишини интиқлик билан кутишади. Мусиқа ихлосмандлари эса дилга манзур куй-қўшиқларга бой концертларга муштоқ. Санъаткорларнинг жозибали, таъсирчан ижроларига иштиёқманд кишилар эса янги саҳна асарлари қўйилишини сабрсизлик билан кутадилар.

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрининг томоша зали доимо одамлар билан гавжум бўлади. Улар орасида кулгисеварлар ва мусиқа мухлисларини ҳам, «Санойи нафиса» ихлосмандларини ҳам учратасиз. Бу гал томошабинлар Ҳайдар Муҳаммад ва Раҳмат Азизхўжаевлар қаламига мансуб «Куёвлар танлови» мусиқали комедиясини кўришга ташриф буюришган. Иқтидорли режиссёр Аҳат Пармонов томонидан саҳналаштирилган спектаклга бастакор Тельман Ҳасанов куй басталаган.

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, асар мантиқан кучли. Енгил-елпи ҳаёт кечириш, таниш-билишчилик, амалпарастлик, шуҳратпарастлик қайсидир кўринишлари билан замонамиз сарҳадида яшаб турганлиги сир эмас. Имону эътиқод, диёнату садоқат, ишқ-муҳаббатни пул, бойлик билан ўлчовчи «бойваччалар» ҳануз орамизда бор. Драматурглар томонидан шу иллатларни фош этиш асарга бош ғоя қилиб олинган.

Мазкур спектакль режиссёр Пармоновнинг ушбу театрдаги биринчи иши. Буни таъкидлашдан мақсад шуки, режиссура соҳасида янги жамоа ва унинг ўзига хос характери бир мунча қийинчилик туғдириши табиий. Асарда етакчи ролларни ижро этаётган, ўзбек саҳна санъатида ўз қиёфасига эга Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Ҳусан Шарипов, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Марям Ихтиёровалар билан режиссёр «тиллаша» олган. Арслонхон, Зубайда каби образларни улар қиёмига етказиб ижро этишган. Феруза Норқулова, Александр Бекжоновлар талқинидаги қиёфалар ҳам анча жонли чиққан. Спектаклнинг бошқа иштирокчилари Эъзоз (Гулчеҳра Мирзажонова), Ғулмоной (Равшан Солиҳов), Қоплонхон (Боир Холмирзаев), Сотима (Жамила Йўлдошева), Туҳфабиби (Гулнора Рустамова), Кенжабой (Мирза Азизов), Хайринисо (Райҳон Ўраева), Вали (Ҳамид Тўхтаев), Сомижон (Рустам Мардиев) каби актёрлар ансамбли асар мазмунига хос қиёфалар ярата олганлар. Энг муҳими, ҳар бир актёр саҳнада эркин ҳаракат қилаётганининг гувоҳи бўласиз. Спектаклдаги ария, дуэт, «катта ашула»лар ҳам асар руҳига сингиб кетади. Саҳна безакларини яратган рассом хизмати ҳам таҳсинга лойиқ. Бир сўз билан айтганда асар ижодкорлари миллийликка катта эътибор билан ёндошганлар. Тўғри, мазкур саҳна асари айрим жузъий камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Драматургиямизда анъана бўлиб қолган савдогар, чайқовчи, отарчи каби салбий образлар такрорланавериб эскирди чоғи. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега энди салбий қаҳрамонлар яратишда масалан, шофёр ёки учувчи, шифокор образларини киритиш мумкин эмас?

Бироқ биз спектаклни мукаммал таҳлил қилиш фикридан йироқмиз. Бу юмушни санъатшуослар ўрнига қўядилар, албатта. Лекин шу ҳам эътиборга лойиқки, ўзининг «Ярим тундаги ўғрилар», (Каттақўрғон шаҳар театри), «Тоғ қизи», «Чўртан балиқ амри билан», «Ғаройиб дори» (Андижон вилоят театри), «Тақдир эшиги» (Қўқон шаҳар театри) каби асарлари билан ўзбек саҳна санъати ривожига муносиб улуш қўша олган режиссёр Аҳат Пармоновнинг «Куёвлар танлови» спектакли, ўйлаймизки, томошабинларни лоқайд қолдирмайди.

Сандолим ҲАЙДАРОВ.

СУРАТЛАРДА: «Куёвлар танлови» спектаклидан лавҳалар.

С. Коган суратлари.



Шаҳримиз тайёрагоҳининг оқшомги кўриниши.

А. Жданов сурати.

ҚЎНҒИРОҚЧИЛАР АВЛОДИ

АВСТРИЯНИНГ Инсбрук шаҳридаги Грасмайрлар оиласининг ўн тўртинчи авлоди қўнғироқ тайёрлаш билан шуғулланиб келади. Оилавий корхона 1599 йили ташкил этилган бўлиб, салкам тўрт аср давомида минглаб қўнғироқлар тайёрланди.

Ҳозирги вақтда бу корхонада йилига 35 тоннага яқин оғирликдаги металл черковлар учун хизмат қиладиган қўнғироқларга айлантирилмоқда. Бундан ташқари, Грасмайрлар оиласи аъзолари сигирлар, эчки, қўй, фил ва бошқа ҳайвонлар учун тақиладиган ўн минглаб қўнғироқчаларни ҳар йили турли мамлакатларга юборадилар.

ТАРИХИЙ ТЕГИРМОН

ГЕРМАНИЯНИНГ Штатс шаҳарчасида 1335 йилдан бери маълум бўлган сув тегирмони ҳамон хизматда. Ёғоч бочкани эслатувчи тегирмон диаметри уч метрга яқин бўлиб, минутига ўн марта айланади. Сув тегирмони йилига 150 тонна ун етказиб беради.

Тегирмончилар оиласининг еттинчи авлоди бўлмиш унинг эгаси Герхард Вильке бу ерга келувчи турист ва меҳмонларга тушунтиришлар беради. Тегирмон эгаси нонвойлик ҳам қилади.

ОЛТИ ЮЗ МИНГ ИЛМИЙ ИШ

ОСЛО дорилфунуни Баварияннинг Эйхштет шаҳридаги дорилфунунга олти юз минг диссертацияни совға қилди. Кейинги уч юз йил давомида турли мамлакатларда ёзилган бу диссертациялар фаннинг турли соҳаларида бўлиб, бизнинг мамлакатимиздаги диплом ишлари, номзодлик ва докторлик диссертацияларига тенглаштирилиши мумкин. Ослода бу илмий ишлар мажмуалари фойдаланилмай ётганлигидан шу ишга қадам қўйилди.

Эндиликда эйхштетлик библиогафлар кўп вақт давомида диссертацияларни каталоглаштириш ишига бошқош бўладилар, кейин электрон ҳисоблаш машиналарига мослаштириб, улардан фойдаланишни осонлаштирадилар. Қизиғи шундаки, баъзи диссертациялар бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ. Масалан, Польшанинг Новоград шаҳрида Рихард Шенканинг 1904 йили ёқлаган «Ҳаво, сув ва тупроқнинг радиоактив хоссалари» номли диссертацияси шулардан ҳисобланади. Машҳур Альберт Эйнштейннинг «Молекула катталигини аниқлаш» номли диссертацияси ҳам совғалар ичидан жой олган, у ҳаммаси бўлиб 17 бетдан иборат ва адабиёт рўйхати йўқлиги билан ажралади.

БАЛИҚ ТЕРИСИДАН

АНГЛИЯДА балиқ терисидан турли буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Икра берувчи балиқлар терисидан камарлар, сумка, халтачалар, юбка, жакет ва бошқа кийимлар тайёрланмоқда.

Ишлаб чиқариш раҳбарларининг фикрига кўра, балиқ терисидан ишланган нарсалар пишиқ, кўриниши бежирим бўлиб, замшни эслатади, балиқ ҳиди йўқ.

ЗАРАР КЕЛТИРГАН МАҚТОВ

ОЛТИ мамлакат — АҚШ, Испания, Англия, Ирландия, Канада ва Жанубий Корея-нинг ўн уч ёшлик мактаб ўқувчилари ўртасида математика бўйича ўтказилган синовдан корейс болалари муваффақиятли ўтишди. Математикани бўш билувчилар сифатида америкалик болалар ҳисобга олинди. Синов саволларида ўқувчи болалар ўзларининг математикадан билимларини қандай баҳолашлари ҳақида ҳам фикр бор эди.

Америкалик болалар ўзларининг билимларидан мамнун эканликларини, кореялик ўқувчилар эса билимларидан мамнун эмасликларини билдирганликлари ҳам аниқланди. Бунинг боиси кейинги йилларда америкалик мактаб ўқитувчиларининг ўқувчиларда ўз-ўзини юқори баҳолаш, қандай ўқишидан қатъи назар, уни мақташ каби ишлари сабаб бўлган дейиш мумкин.

БУТУН ЕР ШАРИ СОАТИ

ВАТАНИМИЗ пойтахтидаги Политехника музейида сақланаётган соат устки қисмида катта ҳарфлар билан: «Бутун ер шари соатлари кўрсаткичи. Шимолий қутб бўйича», деган сўзлар битилган. Соат 1853 йили ўймакор ва механик Д. Гаврилов томонидан тайёрланган бўлиб, циферблат атрофидаги ҳаракатланувчи шкала ёрдамида Шимолий ярим шардаги 135 аҳоли яшовчи жойлар, оролларни, порт ва бўғозлардаги вақтни билиш мумкин. Соат қадимда қўлланилган вақт ҳисобини ҳозирги вақтга ўтказишда ёрдам бера олади. Тарихий жанглар бошланиш соатлари ёки бошқа шу каби саналарнинг вақтини ҳам шу соат ёрдамида билиб олса бўлади.

Қудрат АҲМЕРОВ.

Ажаб дунё экан

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

УСМОН НОСИР НОМЛИ ТОШКЕНТ МАТБАА ТЕХНИКУМИ

10—11-синф маълумотлилар учун пуллик тайёрлов курсларига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР — ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ОЙ.

Манзилимиз: 700011, Тошкент шаҳри, Навой кўчаси, 30 «а»-уй.

Маълумот олиш учун телефонлар: 44-65-78, 44-64-54.

23-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

3-КЛАСС ТРАМВАЙ ВАГОНЛАРИ ҲАЙДОВЧИСИ.
Ўқиш муддати — 5 ой.

3-КЛАСС ТРОЛЛЕЙБУС МАШИНАЛАРИ ҲАЙДОВЧИСИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИЛГАНЛАР, ШУНИНГДЕК 18 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга қабул қилинганларга 86 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади ва шаҳарга прописка қилинадилар ҳамда улар Тошкент шаҳар трамвай ва троллейбусларида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ҲАР ОЙНИНГ 5, 10, 20, 25 КУНИДА БОШЛАНАДИ.

Билим юрти қошида «В» тонфали ҳайдовчилар тайёрлаш курслари ишлаб турибди.

МАШҒУЛОТЛАР — ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев ноҳияси, Красновосточная кўчаси, 3 «а» уй (17«з», 112-автобуслар; 6, 13, 22-трамвайлар; 8, 18-троллейбусларнинг «Красновосточное» депоси).

Телефон: 53-38-93.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

6-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ва «ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШ ҚУРИЛИШИНИНГ 4-БОШҚАРМАСИ»

1991—1992 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БУЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДУРАДГОР-ҚУРУВЧИ, СУВОҚЧИ-БЎЯҚЧИ, БЎЯҚЧИ-ГУЛ БОСУВЧИ (деворларга нақш солиш, гул босиш).
Ўқиш муддати 1 — 2 йил.

АВТОСЛЕСАРЬ — ўқиш муддати 1 — 3 йил.
ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ГИШТ ТЕРУВЧИ — ўқиш муддати 6 ой.

9 — 11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН, ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ КЕЛГАН ЕШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

6 ойлик гуруҳларда таълим олаётганларга 78 сўм маош, 1 йиллик гуруҳларда ўқийдиганларга эса 39 сўм миқдорида маош тўланади.

2 ва 3 йил ўқийдиган ўқувчиларга 2 марта бепул озиқ-овқат ва кундалик кийладиган кийим-бош берилади. Ишлаб чиқаришда иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртн даргоҳида ҳайдовчилар гуруҳи очилган, сиз у ерда ҳайдовчи гувоҳномасини олишингиз мумкин.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИЛАР.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 69-уй (1, 17, 24, 101«з», 83-автобусларнинг «М. Горький» метро станцияси, 17, 18-троллейбуслар, 6, 13, 22-трамвайларнинг «ПАРТИЯ МАКТАБИ» бекати).

«Юбилей» марказий спорт саройида

Табиатда қувват-ахборот алмашуви муаммолари бўйича жумҳурият ассоциациясининг

«ХИСЛАТ» маркази

5—10 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ

руҳшунос шифокор

НЕЪМАТЖОН МАМАТОВ

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Сеанслар соат 14.00 ва 18.00 да бошланади.

Чипталар «Юбилей» марказий спорт саройи кассаларида ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача ва ваколатли кассирлар томонидан сотилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31.

СБЕРЕГАТЕЛЬНЫЙ **БАНК** СССР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА 1990 ЙИЛ 1 НОЯБРДАН БОШЛАБ ИЛГАРИГИ 3 ФОИЗ ЎРНИГА 9 ФОИЗ ҲИСОБИДАН ДАРОМАД ТЎЛАНМОҚДА.

Янгича фоиз миқдорига мувофиқ ютуқлар тиражларидагн ютуқлар қуйидаги миқдорларда тўланади: 25000 сўм, 10000 сўм, 5000 сўм, 2500 сўм, 1000 сўм, 500 сўм, 300 сўм.

25000 сўмлик ютуқ эгаси «ВОЛГА» автомашинасини ёки шунга ўхшаш классдаги автомобилни, 10000 сўмлик ютуқ эгаси эса қуйироқ классдаги бошқа маркали автомобилни навбатдан ташқари суратда харид қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ.

ССЖИ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИЛГАН ЙИГИТЛАРНИ ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ДИСТАНЦИЯСИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА

ТОСКОМТРУД

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ШУМИЛОВ», «ЧИРЧИҚ», «РАҲИМОВ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧИНОЗ» СТАНЦИЯЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН: 2-6 разрядли боғланишли тармоқ электр монтёри; 2-5 разрядли тортиш подстанцияси электр монтёри;

«АНГРЕН», «ТУЙТЕПА» СТАНЦИЯЛАРИДА ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИШЛАШ УЧУН: 2-5 разрядли ноҳия электр тармоқлари электр монтёри;

Ёғ тўлдирилган аппаратуралардан фойдаланиш, тортиш ва трансформатор подстанцияларининг релели ва электрон муҳофазаси бўйича таъмирлаш-тафтиш қилиш цехининг 2-5 разрядли электр монтёри.

Тошкент электр таъминоти дистанцияси бригада пудрати шартларида ишлайди. Ойлик маош 300 сўмдан 600 сўмгача боради.

Ҳеч қандай касбга эга бўлмаган йигитлар ишга киргач, дистанция ҳузурида юқорида санаб ўтилган ихтисослар бўйича ўқиб, касб ўрганишлари мумкин.

Ишга қабул қилинганлар темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Йилда бир марта текин билет, белгили муддат хизмат қилганлиги учун йиллик муфокот берилади.

Боғланишли тармоқ электр монтёрларига навбатдан ташқари хизмат уйлари берилади.
Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Дистанция имтиёзли шартларда темир йўл транспорти олий билимгоҳи ва техникумига ўқишга юборади.

Барча масалалар юзасидан кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Вокзалолди кўчаси, 7-уй, 122-хона ёки марказнинг Ленин ноҳия бўлими — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги
М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

24 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

Фахриддин УМАРОВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ СОВРИНДОРИ

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ

ИШТИРОКИДА

КОНЦЕРТ

Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗЛАР
«ТУРОН» ИЖОДИЙ УЮШМАСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

6, 7, 8, 9, 10 март соат 16.00 ва 19.30 да
халқ севган қўшиқчи

РУСТАМ ҒОЙИПОВ

бошчилигидаги

«НУР» гуруҳи иштирокида

«ЎЗБЕГИМ ҲҒЛОНЛАРИ»

театрлаштирилган янги концерт программасига

ТАКЛИФ ЭТАДИ

КОНЦЕРТДА:
Ўзбекистон ССЖ халқ артисти:

МАЛИКА АҲМЕДОВА

Сўз устаси ва киноактёр МИРЗА ХОЛМЕДОВ қатнашадилар.

Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

4, 5, 6 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

«ФАРҒОНА ТАРОНАЛАРИ»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори, «КАМОЛОТ — 89» кўригининг ғолиби

ОХУНЖОН МАДАЛИЕВ

ва хушовоз хонанда

ҚИЛИЧБЕК ТОЖИЕВ

раққосалар: Гулмира ШИРИНОВА ва Раъно ЗОКИРОВА.
Программани ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.
Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.
Телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30, 31 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

1, 2, 3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16.00 19.30 ДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ҲАЗИЛ–3»

КУЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАММАДХЎЖАЕВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ ва бошқалар.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилади.

Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

14, 15 ФЕВРАЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

НАСИБА АБДУЛЛАЕВА

ва

«САМАРҚАНД» АНСАМБЛИНИНГ

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари—Баҳром АБДУЛЛАЕВ.
Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги
М. ҚОРНЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

25 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

РАҲМАТЖОН ҚУРБОНОВ

иштирокида

«ЛАЗГИ» ДАВЛАТ ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

БАДИИЙ РАҲБАРИ — РАҲМАТЖОН ҚУРБОНОВ.
БАЛЕТМЕЙСТЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА.
Музика раҳбари — ИСМАТ РАҲМАТУЛЛАЕВ.
Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги
М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

22 февраль соат 19.30 да

ЕШ САНЪАТКОРЛАР ИЖОДИ

Маръям САТТОРОВА, Муяссар ҚОСИМОВА, Замира НОМОЗОВА, Машраб ЭРМАТОВ, Ўсар ЮСУПОВ, Толиб ВА Шерали ҲОЖИЕВЛАР ИШТИРОКИДА

КОНЦЕРТ

Программани олиб борувчи — ШАҲНОЗА ИСОҚЖОНОВА.
Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
7 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ФАҚАТ 10 КУН
«СУАР» ХИТОЙ ЦИРКИНИНГ НОЕБ ТОМОШАЛАРИ

Томошалар соат 19.00 да; шанба кунлари соат 15.00 ва 18.00 да; якшанба кунлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

ОММАВИЙ ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

44-35-91 телефони бўйича маълумотлар олиш мумкин.

КИНО

29 ЯНВАРДА

Чайка — «ИККИ СЎЗДА ЖАМЛАНГАН ТАРИХ» (17, 20.00).

Восток — «РАМ ВА ЛАКХАМ» (18.30, 20.45).

Москва — «109-ТЎХТАМАЙ КЕТАДИ» (тоқ соатларда, 20.40).

Дружба — «ФАРИШТА» (17.00, 18.00, 19.00, 20.00).

Лисунов номли — «БЕРМУД УЧБУРЧАГИ» (тоқ соатлар).

30 ЯНВАРДА

Чайка — «ИККИ СЎЗДА ЖАМЛАНГАН ТАРИХ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Восток — «РАМ ВА ЛАКХАМ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Москва — «109-ТЎХТАМАЙ КЕТАДИ» (тоқ соатлар, 20.40).

Дружба — «ФАРИШТА» (ҳар соатда).

Лисунов номли — «БЕРМУД УЧБУРЧАГИ» (тоқ соатларда).

Фрунзе ноҳия халқ таълими бўлимига қарашли 116-болалар боғчасининг йўқолган

МУҲРИ ВА ШТАМПИ, **шунингдек, касаба уюшмаси қўмитасининг**

МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«МЕҲРИБОНЛИК» ИЖТИМОИЙ ЎЗАРО ЁРДАМ ЖАМИЯТИ ҚОШИДАГИ «ШАРҚ» АКЦИОНЕРЛИК ХАЙРИЯ БИРЛАШМАСИ

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ҳамза ноҳияси, Невская кўчаси, 11-уй, 3-бино, «Меҳрибонлик».

Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси жамоаси адвокат А. Абдураҳмонова-га умр йўлдоши

Сайфулла Ҳамидуллаевич АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Муассислар: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар қўмитаси

Ўзбекистон Компартиясн Марказий Комитетн нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

84.397 нусхада чоп этилади. Индекс 64690.
Буюртма: 4728. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.